

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.0202 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЙМАТОВ АМИНЖОН ҚУДРАТОВИЧ**

**ШАХСНИНГ ТАБИАТГА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ОНГНИНГ РОЛИ**

**09.00.02 – онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract**

**Айматов Аминжон Қудратович**

Шахсинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онгнинг роли ..... 5

**Айматов Аминжон Қудратович**

Роль экологического сознания в формировании эстетического отношения личности к природе..... 31

**Aymatov Aminjon Qudratovich**

The role of environmental consciousness in the formation of the aesthetic relationship of personality to nature..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of works published ..... 63

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.0202 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЙМАТОВ АМИНЖОН ҚУДРАТОВИЧ**

**ШАХСНИНГ ТАБИАТГА ЭСТЕТИК МУНОСАБАТИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ОНГНИНГ РОЛИ**

**09.00.02 – онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)**

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.DSc/Fal39 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz. ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич**  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Мамашакиров Саид**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Хусейнова Абира Амановна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Сафарова Нигора Олимовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.0202 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40; факс: (99866) 239-11-42, (99866) 239-17-14; e-mail: patent@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети биноси, 105-хона.)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (99866) 239-11-40).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.О.Тураев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**А.Р.Самадов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.н., доцент

**Қ.Н.Назаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда инсоннинг табиатга антропоген таъсирининг чуқурлашуви, илм-фан ва инновацион технологияларга асосланган жамият ривожини табиатга экоэстетик муносабатни ривожлантирмоқда. Атроф-муҳит экоэстетикасининг шаклланиши, экотуризм инфраструктурасининг кенгайиши ва соҳада хизмат турларининг кўпайиши инсонда табиатга нисбатан янги ёндашув шаклланаётганидан дарак беради. Айниқса, Бирлашган миллатлар ташкилоти тан олган глобал экологик муаммоларни бартараф этиш этно-демографик таркиби ва конфессионал мансублигидан, сиёсий тузуми ва иқтисодий ривожланиш даражасидан, мафкуравий дунёқараши ва табиий-географик жойлашувидан қатъий назар, дунё халқларининг ҳамкорликда фаол ҳаракат қилишини, табиатга эвдомонистик муносабатни шакллантиришни кун тартибига қўймоқда.

Дунё фалсафий тадқиқотлар тизимида экология, табиатга эстетик муносабат ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг глобал муаммолари юзасидан илмий изланишлар олиб бориш долзарб масала саналади. Хусусан, шахснинг табиатга эстетик муносабатини жамият экологик онги ва маданияти билан корреляцион ва интегратив алоқадорлиги, инсон билан табиатнинг экоэстетик мулоқотини ривожлантириш, манфаат ва эҳтиёжларни оптималлаштириш масаласи асосий илмий тадқиқот мавзусига айланган. Атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, биосфера мувозанатини, табиий ландшафтлар комплексларини ва экологик борлиқни эстетикалаштиришга қаратилган ишлар шахс экологик онгида утилитар эстетик қадриятларни шакллантириб, табиатга экоэстетик муносабатини ривожлантириб, зарарсиз атроф-муҳитни, иқтисодий комплексларни яратишни мақсад қилиб қўймоқда.

Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, инсоннинг табиатга экоэстетик муносабатини шакллантириш мақсадида ўн битта халқаро конвенция, битимлар ва улар доирасидаги еттита кўп томонлама халқаро шартномалар тузилган. Шахс экоэстетик муносабатини ташкиллаштириш, аҳоли экологик маданиятини бошқариш ва назорат қилиш каби муҳим масалалар кун тартибига кўтарилмоқда. «...Энг муҳим масала – аҳолининг экологик маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур»<sup>1</sup>лиги алоҳида таъкидланмоқда. Ушбу заруриятдан келиб чиқиб, экологик маданият таркибида экоэстетик қадриятлар ривожлантириш, унинг илмий-педагогик шарт-шароитлари, объектив ва субъектив омилларини уйғунлаштириш, экологик маданият ривожланишининг ижтимоий макон ва тарихий замон интегратив хусусиятларини аниқлаштиришни долзарб масалага айлантirmoқда.

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. Б-570.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (2016), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлари (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5024-сон «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги (2017) Фармони, ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (2017), ПҚ-2954-сон «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилна фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017) қарорларида белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.**

Шахснинг табиатга экоэстетик муносабатини шакллантиришда экологик онг ва маданиятнинг ўзаро муносабати, табиатга нисбатан эстетик муносабатини ривожлантириш бўйича илмий изланишлар жаҳондаги етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute of Humanities and Social Sciences (Польша), University of Plymouth UK, (Англия), National Institute Health, (АҚШ), National Chiayi University (Тайван), Saint Petersburg State University (Россия) ва Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университетларида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Инсоннинг табиатга эстетик муносабатини ривожлантириш, экологик онг ва маданиятнинг функционаллиги, инсоният экологик эҳтиёжлари ва туризмни ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги илмий натижалар олинган: шахс экологик онги ва маданиятининг уйғунлигини таминлаш орқали табиат туризмни ривожлантириши асосланган (Institute of Humanities, Social Sciences and tourism, Польша); экологик муаммоларнинг глобаллашуви натижасида экология ва санъат, экология ва технологияларнинг ўзаро таъсирлашуви аниқланган (University of Plymouth UK, Англия); инсоннинг табиатга эстетик муносабатини ривожлантириш жамиятда соғлом турмуш тарзи сифатига таъсири асосланган (National Institute Health, АҚШ); шахснинг экологик онги шаклланишида табиат ҳақидаги илк билимлар, муқаддас кадриятлар ва маданиятларнинг амалий жиҳатлари асосланган (National Chiayi University Тайван; шахс экологик онгини шаклланишининг

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.kiitedu.in>; <http://www.pppwsz.edu.pl>; <https://www.plymouth.ac.uk>; <https://www.nih.gov/>; <http://www.rd.ccu.edu.tw>; <http://www.msuie.ru> <http://vuz.edunetwork.ru> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

психологик, сиёсий омиллари, педагогик асослари ва аксиологик жиҳатлари экологик маданият билан когерент боғланиши ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Санкт-Петербург университети, Россия); экологиянинг глобаллашуви натижасида шахснинг табиатга экоэстетик муносабати ривожланиши, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий жиҳатлари устуворлашиши тадқиқ этилган (Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон).

Дунёда шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онг ва маданиятнинг ролини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда санъат асарлари ва бадиий маданиятнинг устуворлигини таъминлаш; шахсни табиатга экоэстетик муносабатини шакллантириш орқали соғлом турмуш тарзи ва табиат туризмни ривожлантириш; турли тарихий даврларда яратилган экоэстетик қадриятлар, табиатга эстетик муносабатни ифодаланиш усуллари ва йўналишларини ишлаб чиқиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида институционал ўзгаришлар асосида шахс экоэстетик муносабати барқарорлигини таъминлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кейинги йилларда нашр этилган илмий адабиётларда жамият экологик онги ва маданиятининг ижтимоий онг шакллариини интеграциялаштириш имконияти ҳақида турли қарашлар илгари сурилмоқда. Ваҳоланки, синчиклаб назар ташланадиган бўлса, инсоният тарихининг дастлабки босқичларида ҳам табиатдаги гармонияни ифодаловчи санъат асарлари экологик онгнинг табиатга эстетик муносабатларини белгилаб берганлиги кўзга ташланади. Яъни, экологик онг санъат асарларида “моддийлашган” ва турли шаклларда ифодаланган. Дастлаб, ҳали ёзувдан фойдаланиш пайдо бўлмасдан аввал, ғорларнинг деворларига чизилган суратлар, тасвирлар асосида ҳам инсоннинг табиатга онгли (примитив ва соддаллигидан қатъий назар) экологик муносабати акс этган. Кейинчалик эса, халқ оғзаки ижоди намуналари – миф, афсона, ривоят, ҳикоят, матал, мақол, дostonлар ва бошқа санъат асарларини шахс экологик онгининг табиатни эстетик идрок этиш усули, ифодалаш шакли сифатида қараш керак.

Ахборот воситаси бўлган ёзувнинг пайдо бўлиши билан инсон экологик онгли фаолиятининг, табиатга эстетик муносабатни трансформация қилишнинг янги тарихий даври бошланган. Буни хусусан, “Авесто”, “Каюмарс”, “Ирқ битиги”, М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги мавсум қўшиқлари ва пейзаж лирикаси, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги “Баҳор мадҳи” лирикаси, Н.Б.Рабғузийнинг “Қиссаи Рабғузий”, “Олтин ёрук” достони ва шунингдек, қадимги мисрликларнинг “Қайта тирилган Худо” афсонаси, “Муқаддас Нил” шарафига айтилган мадҳияси, қадимги месопотамияликларнинг “Гильгамиш” тўғрисидаги достони, “Таммуз ва Иштар” ҳақидаги афсонаси,

қадимги ҳинд масаллари ва “Веда”лари, қадимги хитой миф ва афсоналари, Гесиоднинг “Меҳнат кунлари” поэмаси, “Эзоп масаллари” ва бошқаларда инсон экологик фаолияти ва уларни бадиий ифодаланиши – табиатга эстетик муносабат шакли сифатида баҳоланиши мумкин<sup>1</sup>.

Кейинги даврларда табиат муҳофазаси муаммолари ижтимоий-гуманитар фан соҳаларининг алоҳида тадқиқот объектига айланиб, олимларнинг бу масалага бағишланган кўплаб ишлари эълон қилинмоқда. Шундай тадқиқотларга сирасига Ш.Агзамходжаеванинг ”Ўзбекистон маънавий янгилинишида бадиий маданиятнинг ўрни”, М.Фармонованинг ”80-йиллар ўзбек лирикасида табиат ва инсон концепцияси”, Ф.Салаевнинг “Ҳозирги ўзбек илмий фантастик адабиётида инсон ва табиат муаммолари” номли номзодлик диссертация ишларини ҳамда И.Мирзаевнинг “Бадиий ижод ва экология муаммолари”, М.Жумановнинг “Экология ва адабиёт”, Н.Раҳимжоновнинг “А.Мухтор поэтикаси” рисолаларини, М.Жўраевнинг “Наврўз кўшиқлари”, М.Кўшжонов, С.Мелининг “Абдулла Орипов” асарларини, Б.Валиевнинг “Инсон ва табиат мадҳи”, “Инсон ва табиат – шоир назмида”, Қ.Қорабоевнинг “Бобур табиат ва табиий ҳодисалар ҳақида”, О.Шарафиддиновнинг ”Экология ва маданият”, С.Мамашокировнинг “Юракда табиат соғинчи” ва бошқа кўплаб илмий мақолаларини киритиш мумкин. Шунингдек, П.Қодиров, П.Шермухамедов, Ҳ.Шайхов, С.Аҳмад, Т.Малик ва бошқа ёзувчиларнинг бадиий ва бадиий-публицистик услубдаги асарлари ҳам шулар жумласидандир<sup>2</sup>.

Ҳозиргача шахс маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришда миллий ва умуминсоний экологик қадриятларнинг ўрни мавзусида қатор илмий изланишлар олиб борилди. Шулардан, А.Валиев, И.Жабборов, И.Мўминов, Қ.Назаров, С.Шермухамедов, Э.Юсупов, У.Қорабоев, М.А.Умарова, Х.Шайхова, Г.Ш.Шерматова, М.Имомназаров, Б.Саримсоқов,

<sup>1</sup>Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. Ўзбекистон. -Т.: ФАН, 1978. – Б. 24-29; Қадимий ҳикमतлар. (Тузувчи Раҳмон Н.; Махсус муҳаррир А.Қаюмов) -Т.: Адабиёт ва санъат. 1987. –Б. 47-88; Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1976. –Б. 136; Рабғузий Н.Б. “Қисаси Рабғузий”. (Маъсул муҳаррир Н.А.Асилова; Сўз боши Э.Фозиловники). К. I. -Т.: Ёзувчи, 1990. – Б. 103-104; Раҳмон Н., Болтабоев Ҳ. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1-жилд. -Т.: Фан, 2003. -Б. 85-93; Жабборов И., Жабборов С. Жаҳон динлари тарихи. (Ўқув қўлланма) -Т.: Ўзбекистон, 2002, –Б. 72-101; Алиммухамедов А. Антик адабиёт тарихи. -Т.: Ўқитувчи. 1969. – Б. 61-66; Ҳақиқат манзаралари. Қайта нашр. -Т.: Янги аср авлоди, 2007. -Б.13-14.

<sup>2</sup>Агзамходжаева Ш.С. Ўзбекистон маънавий янгилинишида бадиий маданиятнинг ўрни. фалс. фан. ном. дисс автореф. -Т.: 2005; Фармонова М. 80-йиллар ўзбек лирикасида табиат ва инсон концепцияси: Фил.фан. ном. дисс автореф -Т.: 1992. - Б. 161; Салаев Ф. Ҳозирги ўзбек илмий фантастик адабиётида инсон ва табиат муаммолари: Фил. фан. ном. дисс автореф. - Нукус, 1993. – Б. 128; Мирзаев И. Бадиий ижод ва экология муаммолари. -Т.: Ўзбекистон, 1992. –Б. 63; Жуманов М. Экология ва адабиёт. -Т.: Ўзбекистон, 1988. –Б. 24; Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. -Т.: Ғ. Ғулом, 2003; Жўраев М. Наврўз кўшиқлари. -Т.: А. Навоий номли Ўзб. Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007; Кўшжонов Матёқуб, Мели Сувон. Абдулла Орипов. -Т.: Маънавият, 2000; Валиев Б. Инсон ва табиат мадҳи //Адабий мерос. 1982, № 24; // Адабий мерос. 1984, № 31; Қорабоев Қ. Бобур табиат ва табиий ҳодисалар ҳақида //Адабий мерос. 1988. № 46. – Б. 46-49; Шаталова Л.М. Человек и природа в современной советской прозе. - Кишинев: Штница, 1980; Мамашокиров С. Юракда табиат соғинчи // Тафаккур. – 1998. - № 3; Ваҳимами ёки ҳақиқат. –Т.: Иқтисод-молия, 2012; Қодиров П. “Қалб кўзлари”. –Т.: Маънавият, 2001; Шермухамедов П. Сен ёнмасанг, мен ёнмасам... -Т.: 1990; Шайхов Ҳ. Илмийлик ва афсонавийлик // Ёшлик альманахи. - 1981. - II-сон.



М.Саттаров, Э.С.Ҳошимова, Р.П.Маматқулов, С.Мамашокиров каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларини киритиш мумкин<sup>1</sup>.

Шахснинг табиатга экоэстетик муносабатларини глобаллашув жараёнлари билан боғлиқлигини иқтисодий детерминизм нуқтаи назаридан, хусусан, табиатга экоэстетик сиёсатда менежмент ва маркетинг соҳалари, асосан хорижлик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган. Бу борада П.Доел, Е.Г.Молль, К.Гарнер, М.Валетта, М.П.Раджонъери, П.Г.Ольдак, Е.В.Бабина, С.Н.Соломина каби олимларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Бу борада МДҲ давлатлари олимлари томонидан ҳам жиддий илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, табиатга экоэстетик муносабатларнинг глобаллашуви В.И.Данилов-Данилян, В.Н.Бурков, А.В.Шепкин, А.А.Сергунин, В.Н.Федосеев, А.В. Возженников, А.Багатуров, Д.М.Гвишиани ва бошқаларнинг тадқиқот объекти бўлган.

Экологик онгнинг табиатга эстетик муносабатига трансформацияси масалалари фалсафанинг алоҳида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаган. Хусусан, ҳозиргача экология ва эстетиканинг ўзаро алоқадорликлари ёритилган илмий ишлар таҳлили: шахс экологик онги, маданиятини, табиатга эстетик муносабатни шакллантиришга бир томонлама ёндашиш устуворлик қилмоқда. Яъни, экологияни эстетикалаштиришга оид ишлар салмоғи эстетикани экологиялаштиришга (тўғрироғи, уни ёритишга) нисбатан юқоридир. Бунда ахборот трансформациясида фалсафанинг тўғри ва қайтар боғланиш тамойилига амал қилмаслик намоён бўлмоқда.

**Диссертация мавзуининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг 2017-2030 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2.5 «Фуқаролик жамияти қуришнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий муаммолари» банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шахснинг табиатга эстетик муносабатига экологик онг таъсирини, табиатга экоэстетик муносабат бадиий образларда, шахс турмуш тарзида акс этишини, шахснинг табиатга муносабатини эстетикалаштириш ва экотуризмнинг ривожланиш хусусиятларини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантириш билан экологик онгни ривожланиш даражалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликлар ҳақидаги муқобил фалсафий таълимотларни қиёсий таҳлил қилиш;

экологик онгнинг табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришда миллий ва умуминсоний, анъанавий ва замонавий қадриятларини функционал уйғунлаштириш имкониятларини ва омилларини аниқлаш;

---

<sup>1</sup>Уларнинг асарлари диссертацияда: “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”да кўрсатилган.

табиатга эстетик муносабат йўналишлари ва структурасини детерминлаштирувчи объектив-субъектив омилларга дифференциал ёндашиш тамойилларини тарихий давр контекстида конкретлаштириш;

шахснинг табиатга экоэстетик муносабати тизимини аниқлаш, “экоэстетика” тушунчасига мустақил таъриф бериш, экология муаммоларини эстетикалаштириш ва эстетикани экологиялаштиришнинг фалсафий-методологик асосларини янги назарий хулосалар билан бойитиш;

экологик онг даражаларининг табиатга эстетик муносабатни шакллантиришдаги функционал роли ўзгаришларининг ҳаракатлантирувчи мотивлар ва механизмлар динамикасини кўрсатиш;

табиатга эстетик муносабатни шакллантириш орқали шахс онгига, турмуш тарзига экологик маданият нормаларини сингдиришда ижтимоий онг шакллариининг интегратив характерини илмий асослаш;

экологик борлиқни эстетикалаштиришнинг конструктив-рационал усул-воситаларини такомиллаштириш ва табиатга эстетик муносабатни ривожлантириш институтлари фаолиятларини мувофиқлаштириш;

экологик онгнинг табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришга, унинг таъсирида табиат туризмининг ривожлантиришга доир назарий хулосалар, методологик тавсиялар ва амалий таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида шахс экологик онгининг табиатга эстетик муносабатлари тизимини мақсадга мувофиқ шакллантириш муаммолари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни шахс экологик онгининг табиатга эстетик муносабатининг шакллантириш вазифалари йўналишлари, уларни амалга ошириш усул-воситаларини аниқлаш ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида диалектика, синергетика, герменевтиканинг тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез, таққослаш ва умумлаштириш, комплекс-системали ёндашув, қиёсий таҳлил ва бошқа фалсафий методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

шахснинг табиатга эстетик муносабатининг атрибути бўлган экологик онг ва маданиятнинг ҳудудий-географик, этнографик-ментал хусусиятлари бадиий образларда, экомифологик дунёқарашда, турмуш тарзида намоён бўлиши очиб берилган;

шахсда экоэстетик сифатларни шакллантиришда эстетик ва экологик тарбиянинг корпоратив-педагогик, миллий қадриятлар, ижтимоий реклама каби тарғибот турларини такомиллаштириш зарурияти асосланган;

экоэстетик тафаккур ривожини натижасида шахснинг табиатга нисбатан гедонистик ва эвдомонистик муносабатлари манфаатлар асосида меъёрлашиши аниқланган;

экологик борлиқни эстетикалаштириш, атроф-муҳитни ҳимоялаш, эстетик тарбия, табиат экзотикаси каби экотуризм турларининг

уйғунлашиши натижасида эстетика фанида экоэстетика тушунчаси жой олганлиги асосланган;

шахснинг табиатга эстетик муносабатини ривожлантиришда анъанавий ва ноанъанавий ижтимоий институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш, рационал ва ҳиссий-эстетик ёндашувларни яқинлаштириш экоэстетик муҳитни шаклланишига олиб келиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

шахснинг табиатга экоэстетик муносабатини шаклланиш даражалари, механизмлари ишлаб чиқилган ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

шахсни табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда жамият экологик онги ва маданиятининг функциялари аниқланган;

шахс экологик онгини эстетикалаштириш, табиатга эстетик муносабатини ривожлантиришда табиат туризмни шакллантириш стратегияси юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган монография ва у ҳақдаги тақриз, хулосаларда, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, эстетик маданиятни замоннинг глобал ва долзарб экологик муаммолари ечимини топишга йўналтириб, кишилар онгида табиий атроф-муҳит муҳофазасига доир илмий дунёқарашини ривожлантириш орқали экологик барқарор муҳитни яратишга, экологик мазмундаги эстетик санъат йўналишларини ривожлантириш имкониятларини илмий ўрганишда илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, унинг натижаларини экологияни эстетикалаштириш ва эстетикани экологиялаштиришнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга, Ўзбекистоннинг жаҳон фалсафасида муносиб ўрнини топишга ҳаракат қилаётган илмий жамоатчилик ва мутасадди ташкилотлар фаолиятларига хизмат қилиши ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари бўйича дастурлар ишлаб чиқишда қўллаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик оннинг ролини тадқиқ этиш асосида:

табиатга эстетик муносабатнинг атрибути бўлган экологик онг ва маданиятнинг ҳудудий-географик, этнографик-ментал хусусиятлари бадиий образларда, экомифологик дунёқарашда, турмуш тарзида намоён бўлиши

ҳақидаги хулосалардан А-1-163 рақамли “Демократик жараёнларда ўзбек моделининг концептуал масалалари таҳлили ва изчил ривожланишининг фалсафий-методологик асослари” (2015-2017) ҳамда А-1-149 рақамли “Ўзбекистон фалсафаси тарихи” асарининг 3 томини тайёрлаш мақсадида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12 декабрдаги 89/03-4304-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистонда табиатга экоэстетик муносабатнинг тарихан шаклланган манбалари, миллий эстетик кадриятларини ривожлантириш борасида назарий манба бўлиб хизмат қилган;

шахсда экоэстетик тафаккурни ривожланиши натижасида унинг табиатга нисбатан гедонистик ва эвдомонистик муносабатларини манфаатлар асосида меъёрлаштирилиши ҳақидаги маълумотлардан Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 2-ярим йиллигидаги фаолияти самарадорлигини ошириш тадбирлар дастурини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 ноябрдаги 03-03/2-4529-сон маълумотномаси). Натижада шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришга оид назарий ва амалий таклиф ва методологик тавсиялар республикамиз аҳолисининг экологик ва эстетик онгини, уларнинг маданиятини оширишда янги маълумот берган;

Ўзбекистонда шахснинг табиатга экоэстетик муносабатини ривожлантиришда табиат туризми салмоғини ошириш, шахснинг табиатга инновацион муносабатини ташкиллаштиришга доир назарий хулосалар, методологик тавсиялар ҳамда амалий таклифларидан Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган дастурини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2018 йил 17 декабрдаги 536-сон маълумотномаси). Натижада амалиётга татбиқ этилаётган таклифлар минтақа ижтимоий экологиясини барқарорлаштиришда амалга оширилаётган ишларнинг жадаллашувига хизмат қилган;

экологик борлиқни эстетикалаштириш, атроф-муҳит ҳимояси, эстетик тарбия, табиат экзотикаси каби экотуризм турларининг уйғунлашиши натижасида экоэстетика тушунчаси эстетика фани категориал қатламидан жой олиши борасидаги хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасини 2018 йилга мўлжалланган дастурини тузишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 19 ноябрдаги 03-22/7375-сон маълумотномаси). Натижада мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги туризм салоҳиятини янада ошириш, экотуризм турларини кенгайтиришга доир илмий-амалий, ғоявий тавсиялар ишлаб чиқишга асос бўлган;

шахсда экоэстетик сифатларни шакллантиришда эстетик ва экологик тарбиянинг корпоратив-педагогик, миллий-кадриятлар, ижтимоий реклама каби тарғибот турларини такомиллаштириш зарурлигига доир хулосалардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан аҳоли

ўртасида ўтказилган экологик тадбирлар, давра суҳбатларида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2019 йил 1 февралдаги 04-13/514-сон маълумотномаси). Натижада аҳолининг экологик онгида табиатга эстетик муносабат, экоижтимоий реклама, экоэстетика ҳақидаги билимлар ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий анжуманда, жумладан 2 та халқаро, 11 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилиниб, синовдан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, жумладан 1 та монография, Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 13 та мақола (улардан 9 таси республика ва 4 таси чет эл журналларида) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 246 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Табиатга эстетик муносабатни шакллантиришда экологик онг ва маданият таъсирининг тарихий генезиси**» номли биринчи бобида шахс экологик онги ва маданияти ривожланиш босқичлари ўртасидаги ворисийликнинг табиатга эстетик муносабатни шакллантиришдаги роли, экологик онг ва маданиятнинг функционал ролини ошириш зарурияти, имкониятлари ва вазифалари, экологик онгнинг глобаллашуви, анъанавийлик ва замонавийлик интеграцияси тадқиқ этилган.

Шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда экологик онг ривожланиш босқичлари ўртасидаги ворисийлик ва алоқадорлик, унинг санъат асарлари бадиий образларида ифодаланиш хусусиятлари табиатни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик, “табиат-жамият-инсон” тизими элементлари ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бориши билан экологик онг ва маданият бошқа ижтимоий онг шакллариини интеграциялаштирувчи омилга айланган. Шу жумладан, табиатга эстетик муносабатда экологик мақсад устуворлашиб, унинг функционал йўналишини белгилаб беришини объектив жараён сифатида эътироф этиш керак. Зеро, табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришда

экологик онг даражаларининг функционал роли кучайиб ва аҳамиятининг ошиб бориши инсоният эҳтиёжларидан келиб чиқади ҳамда цивилизация келажаги манфаатларига мосдир. Ҳозирги даврда экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва кескинлашуви, барча ижтимоий онг шакллари, шу муаммолар ечими доирасида функционал, интеграциялаштиришни тақозо қилмоқда. Чунки инсоният ҳаёти учун муносиб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва экологик муҳит яратиш зарурияти, *бир томондан*, шахс экологик бурчини, масъулиятини, мажбуриятини эстетик муносабатларга трансформация қилишни тақозо қилмоқда. *Иккинчи томондан*, шахс экологик онги ва маданиятини ривожлантиришни, унинг эстетик дунёқарашидан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса, Ўзбекистондаги фожиали экологик вазиятни соғломлаштиришда табиатга эстетик муносабатни шакллантириш муҳим субъектив омил ҳисобланади.

Шахс экологик маданияти ва тафаккур тарзига мос тарзда, ўзи яшаётган табиий маконнинг эстетик қиёфасини санъат асарларида бадиий акс эттириши, табиий атроф-муҳит муҳофазасининг муҳим субъектив омили бўлиб, кишиларининг табиат тўғрисидаги дунёқараши характерига адекватдир. Бошқача қилиб айтганда, шахс экологик онги ва маданияти даражаси табиатга эстетик муносабатида намоён бўлиши билан ижтимоий-фалсафий ҳодиса ҳисобланади.

Ҳар қандай тарихий даврда инсониятнинг экологик дунёқараши табиатга эстетик муносабатни шакллантириши билан муҳим ижтимоий функцияни бажариб келган. Лекин, бир томондан, тоталитар коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида табиатни санъат асарларида бадиий ифодалаш ҳам муайян сиёсий мақсадларга бўйсундирилган ёки унинг талқинида мавжуд тизимга ошқора маддоҳлик бўлса ҳам, иккинчи томондан, табиат ҳақида яратилган санъат асарларида Она-заминга инсоний муносабат “чақириғи” баралла кўриниб ва эшитилиб турар эди. Бу эса, шахснинг санъатдаги “табиат борлиғига” эстетик муносабати характерини белгилайдиган интеллектуал салоҳиятига ва уни баҳолаш мезонларига боғлиқдир.

Тадқиқотда табиатга эстетик муносабат жараёни ва уни бадиий образларда ифодалаш санъатида, шахснинг субъектив эмоционал-ҳиссий экологик дунёқараши, индивидуал ҳаётий тажрибаси “объективлашиб”, амалий фаолияти моҳияти ҳам, функцияси ҳам (санъат жанрлари ва шаклларида) турлича ифодаланаши таъкидланади. Уларнинг умумийлиги мақсад ва вазифалар ягоналигида бўлса, фарқи ифодалаш усуллари ва трансформация воситаларидадир. Лекин, турли санъат жанрларининг экологик воқеликни (хусусан, маданиятни) бадиий образларда ифодалаш доирасидаги интеграциялашуви табиатга эстетик муносабат яхлитлигини ва адекватлигини таъминлайди. Экологик воқеликни эстетик идрок қилиш ва бадиий ифодалашдан иборат маънавий ҳодисаси, табиат муҳофазасининг (субъектив омили сифатида) энг умумий ва объектив қонуниятларини намоён

қилади. Бу қонуният, ўз навбатида, “табиат-жамият-инсон-санъат” тизими муносабати йўналишларининг (экологик ёки антиэкологик) характери белгилаб бериши билан санъатнинг экологик борлиққа таъсиридаги субъектив омил мақомини, вужудга келишининг объективлигини ҳам, функцияси яхлитлигини ҳам, истисно қилмаслиги тадқиқотда очиб берилган.

Диссертацияда объективлашган инсон руҳини санъатда объект-субъект муносабати йўналишида таҳлил қилганда, уларнинг ички бирлиги намоён бўлади. Бу фикрни тадқиқот мавзусига боғлаб, умумлаштириб айтганда, **бир томондан**, санъатнинг табиатга эстетик муносабати ва уни акс эттириш усулида экологик онгнинг объектив борлиқни билиш ва мақсадга мувофиқ бадиий “ўзгартириш” эҳтиёжлари – инсон иродасига боғлиқ бўлмаган (эҳтиёжлар анланганлиги ёки анланмаганлигидан қатъий назар) объектив ҳодисалигини, **иккинчи томондан**, экологик воқелиқни бадиий образларда ифодалаши ҳамда уларнинг инсон онгига таъсири нуқтаи назаридан – субъектив омиллиги намоён бўлиши ҳақида хулосаларга келинган.

Жамият экологик онги ва маданиятининг, ижтимоий ҳодиса сифатида, табиатга эстетик муносабатини шакллантириш, бир томондан, унинг функцияларини: 1) **онтологик** – борлиқнинг махсус шаклини ташкил қилиши ва намоён бўлиши; 2) **гносеологик** – билишнинг категориялари тизимини яратиши ва тизимлаштириши; 3) **эвристик** – борлиқни қайта “яратиш” усулларини ва воситаларини кашф этиши; 4) **аксиологик** – қадрият мақомини олиши ва уни мустаҳкамлаши; 5) **праксиологик** – натижаларини амалда қўллаши; 6) **методологик** – фаолият усул-воситаларини, йўлларини кўрсатиши; 7) **педагогик-дидактик** – таълим-тарбия бериши жиҳатлардан аниқлаштириши билан характерланади.

Иккинчи томондан, экологик онгни ва маданиятни бадиий образларда ифодалаш табиатга эстетик муносабат жараёни бўлиб, ижтимоий-тарихий амалиётнинг махсус шакли ва даражаси ҳисобланади. Унинг махсуслиги: 1) объекти хусусиятларидан; 2) эҳтиёжлари индивидуаллигидан; 3) манфаатлари умумийлигидан; 4) билиш усул-воситалари аниқлигидан; 5) педагогик-дидактик натижалари универсаллигидан келиб чиқади. Энг муҳими, табиатга эстетик муносабат ва уни бадиий образларда ифодалаш жамият маънавий ҳаётининг атрибути бўлиб, унинг функцияларини аниқлашга фалсафий категориялар йўналишида ёндашишни тақозо қилади.

Жамиятнинг табиатга эстетик муносабат эҳтиёжлари ва манфаатлари экологик онг ва маданият ривожланишининг ҳаракатлантирувчи мотиви ва механизми ҳисобланади. Шунга кўра, шахс экологик онги ва маданиятининг табиатга эстетик муносабатни белгилаш имконияти ҳар қандай тарихий даврда аниқ вазифаларни бажаришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, унинг вазифалари экологик муаммоларнинг устувор йўналишларига мос тарзда турли даврларда турлича талқин қилинган.

Умумлаштириб хулоса қиладиган бўлсак, **биринчидан**, ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида, экологик борлиққа эстетик муносабат, моҳияти

ва характериға кўра, шахс экологик фаолиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади; **иккинчидан**, дунё экологик манзарасинининг харитасини, воқелик характериғни белгилашда табиатга эстетик муносабат ривожланиш тарихи ва унинг даврлари асосий мезон ва кўрсаткичдир; **учинчидан**, экологик онг ва маданиятнинг табиатга эстетик муносабатни «ташқиллаштириш» имкониятлари, уни ифодалаш усулларини, воситаларини ҳам қамраб олади; **тўртинчидан**, табиатга эстетик муносабат билан экологик онг ва маданият ривожланиш даражаси ўртасида корреляцион боғланиш мавжуд бўлиб, бири иккинчисининг ривожланишини рағбатлантиради; **бешинчидан**, экологик онгнинг бошқа ижтимоий онг шакллариғни интеграциялаштирувчи потенциали табиатга эстетик муносабатни функционал жиҳатдан универсаллаштиради.

Диссертацияда глобал экологик онгда миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик интеграциясига инсоният цивилизацияси келажағини **экологик таъминлаш** манфаатлари нуқтаи назардан ёндашишни тақозо қилиши таъкидланади. Шу тамойилга кўра, табиатга эстетик муносабатни ифодалашда ҳам миллийлик ва анъанавийлик умуминсоният экологик эҳтиёжларидан келиб чиқади ва манфаатларига мос келади. Бунда асосий масала, ҳар бир миллатнинг умуминсоний экологик маънавий қадриятларини ўзлаштиришга тайёрлиғига боғлиқдир. Зеро, табиатга эстетик муносабатнинг тарихий анъаналарини ҳозирги фан, техника, технология ривожланиши билан уйғунлаштириш – келажакда миллатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринни эгаллаши зарурий шартларидан биридир.

Диссертацияда жамият экологик онги муайян геоэкологик вазият кўлами ва характериға адекват бўлганлиғидан табиатга эстетик муносабатни санъат асарларида бадиий образларда ифодалаб, трансформация қилиш қуйидаги шарт-шароитларни тақозо қилиши таъкидланган: **биринчидан**, экологик онгдаги миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик интеграцияси табиатга эстетик муносабатни бадиий образларда ифодалаш миллий тажрибаларни умумлаштиришга боғлиқ бўлади; **иккинчидан**, ҳар қандай миллатнинг бадиий ижод амалиётида табиатга эстетик муносабати тарихан шаклланган миллий анъаналарга, қадриятларга асосланади ва уларнинг ривожланиш даражасига мос келади; **учинчидан**, табиатга эстетик муносабатдаги миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик уйғунлиғи халқаро маданий алоқаларни ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаб бериш имконияти ҳисобланади; **тўртинчидан**, экологик онгдаги миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийлик бирлигининг глобаллашуви халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар интеграцияси асосида амалга ошириш мумкин; **бешинчидан**, шахс экологик онги ва маданиятини шакллантиришда табиатга эстетик муносабат ролини ошириш самарадорлиғи жамият интеллектуал салоҳияти ривожидан даражасига мос бўлади.



Диссертациянинг «**Табиатга эстетик муносабатни шакллантиришда экологик онг ва маданиятнинг назарий-методологик масалалари**» деб номланган иккинчи бобида экологияни эстетикалаштириш ва эстетикани экологиялаштириш усуллари, воситалари ва имкониятлари, экологик онг ва маданиятнинг табиатдаги эстетик муносабатларга трансформациясини детерминлаштирувчи омиллар ролининг ошиб бориш қонунияти тадқиқ этилган.

Ҳозирги кунда глобал масштабда вужудга келган экологик муаммолар ечими, инсоният цивилизацияси келажагини сақлаб қолишнинг асосий шартларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, **биринчидан**, экологик муаммолар эскаляцияси ва кескинлашуви олдини олиш, оқибатларини бартараф қилиш учун инсоннинг: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаёти асосларини экологик талабларга кўра баҳолашни ва ташкиллаштиришни; **иккинчидан**, ижтимоий онг шакллари ва инсон амалий фаолият йўналишларини экологиялаштиришнинг назарий-фундаментал асосларини замонавий экологик парадигмалар контекстида қайта ишлаб чиқишни; **учинчидан**, экологик онг ва маданият трансформацияси технологияси, коммуникацияси ва инфраструктурасига мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотларни ва фуқаролик институтларни ривожлантиришни; **тўртинчидан**, экологик онг ва маданиятни жамият ҳаёти мазмунига айланштиришда инсон омили ролини фаоллаштирувчи конструктив усуллар ва воситаларни яратишни тақозо қилади.

Экологик борлиқни фундаментал назарий билишда эстетиканинг онтологик, гносеологик, методологик ва праксиологик функциялари турли амалий даражаларда – кундалик оддий урф-одатлар, анъаналар ёки мураккаб техник-технологик маданиятга асосланган экологик фаолият тарзида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан, инсоннинг, умуман борлиқга, хусусан экологик борлиқга муносабатини эстетик маданият тамойиллари асосида ташкил қилиш **бир томондан**, экологик воқеликка эстетик муносабат мотивларини, ифодалаш усуллари, воситаларининг бошқа ижтимоий онг шаклларида фарқи (мақоми ва аҳамияти)ни аниқлашни; **иккинчи томондан**, турли маданият соҳаларининг табиатни муҳофаза қилишдаги моддий ва маънавий, назарий ва амалий фаолиятлари функционал боғланишларини нафосат қонунлари асосида ташкиллаштиришни тақозо қилади.

Ҳозирги даврда турли халқлар, мамлакатлар ўртасида глобал экологик муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжи ва объектив зарурияти маънавий интеграция жараёни кучайтириб, **умуминсоний-универсал экоэстетик тафаккур усулини** ҳамда унга мос келадиган амалий ҳаракатлар глобаллашувига сабаб бўлмоқда. Бу жараён экологик ва эстетик фаолиятни интеграциялаштириш орқали, нафақат экологик муаммоларни, балки уларни вужудга келтирган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва руҳий-маънавий сабабларга ҳам қарши кураш имкониятларини вужудга келтирмоқда. Чунки экологик муаммоларни бадий-эстетик усуллар ва воситалар билан ҳал

қилишнинг мазмун-моҳиятини, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий ва бошқа ижтимоий муносабатларини табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш манфаатлари асосида, инсон “экологик сифатларини” ўзгартиришга бўлган мақсад ва интилишларни бадий образларда ифодалаш ташкил қилади.

Ҳозирги даврда экологияни эстетикалаштириш ва эстетикани экологиялаштиришнинг кундалик амалий вазифаси яхлит характерга эга бўлиб, жамият моддий эҳтиёжларининг узлуксиз ўсиб боришини ташкиллаштириш ва бошқариш (*оқилона истеъмол маданиятини шакллантириш*); табиий ресурслар чегараланганлигини компенсация қилиш (*янги, ноанъанавий экологик тоза энергоресурслар манбасини яратиш*); организмларнинг ўзгараётган табиий муҳитга мосланувчанлигини ошириш (*хусусан, инсоннинг жисмоний ва руҳий адаптация потенциални кучайтириш*); биосферанинг барқарор ва оптимал экологик мувозанатини сақлаш (*“табиат-жамият-инсон” муносабатлари тизими коэволюциясини таъминлаш*)дан иборат. Айнан шу вазифалар, унинг инсонпарварлик моҳияти ва истикболини намоён қилади. Фуқаролик жамияти шаклланишида иқтисодий онгнинг ҳар қандай даражаси ва шакли демократик-гуманистик тамойилларга кўра: инсон эҳтиёжларини қондириш, мақсадларини амалга ошириш, ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини яратиш, «технологиясини» такомиллаштиришга хизмат қилади. Зеро, инсон эҳтиёжларини қондириш, муайян мақсадларини амалга ошириш, турли интилишларини ҳимоя қилиши билан ижтимоий моҳиятини намоён қилади.

Экологик онг ва маданиятни эстетикалаштириш жараёни ҳам, натижаси ҳам, табиатни муҳофаза қилиш, унинг ресурсларидан оқилона фойдаланишда шахс фаол ҳаётий мавқеи мустахкамлашга йўналтирилган ижтимоий онг шакллариининг функционал аҳамиятини аниқлаштиради. Шунинг учун экологик маданиятни шакллантиришга йўналтирилган эстетик таълим ва тарбия жараёнига бир бутун, яхлит ҳодиса сифатда қараш мақсадга мувофиқ. Яъни экологик тарбия, бир вақтнинг ўзида рационал (*эстетик назария*) ва эмпирик (*эстетик амалиёт*) даражасида намоён бўлади. Чунки инсоннинг экологик эҳтиёжлари тизимида моддий ва маънавий, эмпирик ва рационал жиҳатлар бирлиги, унинг моҳиятини тўлиқ намоён қилади. Лекин жамият тараққиётининг муайян босқичларида, инсон эҳтиёжлари тизимида, моддий эҳтиёжларни қондириш (уларнинг усул-воситалари ривожлантириш) маънавий эҳтиёжларга нисбатан устуворлиги қонуният мақомига эга бўлган.

Бугунги кунга келиб, мураккаб глобал экологик муаммоларни ҳал этишда эстетик таълим-тарбиянинг роли тобора ошиб бормоқда. Зеро, экологик эҳтиёж ва уни бадий-эстетик ифодалаш зарурияти ҳам, тажрибаси тарихи ҳам, табиатга атропотехноген таъсирнинг олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этишда, таълим-тарбияга муқобил йўл йўқлигини кўрсатмоқда. Бошқача қилиб айтганда, экологик эҳтиёжни бадий-эстетик

ифодалаш ва уни кенг жамоатчиликка трансформация қилишнинг мақсади, яхлит характерга эга бўлиб, таълим-тарбия тизимини: 1) инсоннинг табиатга экологик-маданий муносабати, амалий фаолияти йўналишларини нафосат қонунлари асосида оқилона ташкиллаштириш; 2) «табиат-жамият-инсон» мажмуаси барқарор тараққиётнинг умуминсоний эстетик мақсадга ва манфаатга мувофиқлигини таъминлаш; 3) табиат бойликлари муҳофазасига йўналтирилган бадиий-эстетик қадриятларга онгли, ижодий муносабатни шакллантириш; 4) экологик инқирознинг ижтимоий-маънавий, эмоционал-рухий ва бошқа салбий таъсирини, оқибатларини бартараф қилиш; 5) инсониятнинг барқарор экологик тараққиёти, цивилизацияси келажагининг бадиий-эстетик идеалларини яратишдан иборат вазифалар яхлитлигини белгилаб бермоқда.

Зеро, экоэстетик таълим ва тарбия табиатни муҳофаза қилиш феноменига яхлит ёндашувни талаб қилади ва қуйидаги гносеологик, методологик, аксиологик вазифалар тизимини бажаришга йўналтирилган, яъни: *биринчидан*, дунёнинг экологик манзарасини реалистик бадиий-эстетик образларда ифодалаш ва уларнинг воқеликка адекватлигини таъминлаш, бадиий ижод фаолиятига бевосита ва билвосита боғлиқ рационал билимлар илмий тизимини шакллантириш (инсон экоэстетик фаолиятининг мантиқий-гносеологик асослари); *иккинчидан*, табиатга муносабатини инсонпарварлаштириш жараёнида маънавий қадриятларнинг экологик борлиқни бадиий-эстетик билиш ҳиссини, қобилиятини тарбиялашга, ижобий эмоционал-ҳиссиёт трансформациясига мутасадди институтлар фаолиятини кучайтириш (экоэстетик фаолиятнинг эмоционал-ҳиссий жиҳати); *учинчидан*, экологик онг ва маданиятнинг бадиий-эстетик образларга трансформациясига доир илмий ғояларни “моддийлаштиришнинг” усул-воситаларини, механизмларини, технологиясини ривожлантиришга объектив шарт-шароит ва субъектив омилларига кенг имконият яратиш (инсон экоэстетик фаолиятининг праксиологик йўналиши);<sup>1</sup> *тўртинчидан*, ҳар қандай шахс ва жамиятнинг экологик фаоллиги ва масъулиятини бадиий образларда акс эттириш, ижтимоий фаолиятнинг махсус шакли сифатида, тарихий шаклланган муайян маънавий-ахлоқий қадриятларга ва регламентлаштирувчи ҳуқуқий нормаларни мукамаллаштириш (маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий макон); *бешинчидан*, экологик онг ва маданиятни эстетик қадриятга айланишини детерминлаштирувчи омиллар – стихияли ва механистик тарзда таъсир кўрсатмайди, балки уни ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқадиган, моделлаштирадиган давлат, нодавлат ва фуқаролик институтлар фаолиятининг мувофиқлашувига боғлиқ (институционал тизим, ташкилий асос).

---

<sup>1</sup> Қаранг: Абдукасимов Ш.Ж. Формирование экологического сознания студенческой молодёжи в условиях независимости. К.ф.н. дисс. -Т.: 1997. Стр. 29.

Диссертацияда экологик фаолиятда субъектив омиллар (инсон омили) устуворлашиш қонуниятини ижтимоий ва индивидуал даражаларга ажратиб таҳлил қилиш натижалари, унинг умуминсоний-универсал аҳамиятга эғалигини кўрсатиб берилган. Дарҳақиқат, жамият ривожланиши билан субъектив омиллар ролининг доимий ортиб бориши ўртасида корреляцион боғланиш мавжуд. Бу қонуниятни ҳар қандай миллатнинг экоэстетик маънавий маданияти ривожланишида индивидуал ва ижтимоий омиллар бирлиги йўналишида қаралса, бир томондан, турли экологик миллий маданият структуравий элементлари (*индивидуал субъектив омиллар*) интеграциялашиб, трансформацияси кучайишида; бошқа томондан, мутахассис ва олимларнинг, ижодкорлар ва саъаткорларнинг экологик маданиятга оид ижодий ишларида бошқа миллат экоэстетик қадриятларини (*ижтимоий субъектив омилларни*) ўрганиш ва ўзлаштиришга интилишлари кучайишида ўз ифодасини топмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, глобал экоэстетик қадриятларни ривожлантириш билан боғлиқ мураккаб ғносеологик илмий муаммоларни келтириб чиқаради, яъни: 1) экоэстетиканинг ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнда миллий – индивидуал ва умуминсоний – ижтимоий субъектив омилларнинг умумий ҳамда ўзига хос хусусиятларини тавсифлаш; 2) экоэстетик маданият тизими тузилиши элементлари мавжудлигини таъминлашда, тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучларини, йўналишларини белгилашда субъектив омиллар ролини аниқлаш; 3) глобал экологик фаолиятда миллийлик ва умуминсонийлик интеграциясида экоэстетик қадриятлар ривожланиши омилларининг функционал аҳамиятини кўрсатиб бериш; 4) экоэстетика трансформациясининг техник-технологик имкониятлари ва интеллектуал салоҳияти асослари тараққиётда диалектик инкорнинг аҳамиятини изоҳлаш ва бошқалар.

Шу нуқтаи назардан, экоэстетик миллий қадриятлар ривожланишида субъектив омиллар устуворлашуви қонуниятини ўрганиш жараёнида, муаммонинг икки ўзаро боғлиқ жиҳатлари кўзга ташланади. Хусусан, *биринчиси*, миллий экоэстетик қадриятларнинг табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш фаолиятига таъсир имкониятлари, йўналишлари ва натижаларини баҳолаш мезонларини аниқлаш; *иккинчиси*, экоэстетиканинг назарий, методологик ва амалий соҳаларида фаолият кўрсатаётган кишиларнинг миллий-экологик анъаналар ривожланишига қўшган ҳиссасини рағбатлантириш имкониятларини қидириб топишдан иборат.

Бу вазифалар экоэстетикани ривожлантириш омиллари ўртасидаги муносабатларда ахборот айрибошлашнинг *тўғри* ва *қайтар* боғланиш алоқалари ҳақида мукамал билимларга эга бўлишни тақозо қилади. Яъни ахборот айрибошлаш жараёнида объектив шарт-шароит ва субъектив омиллар ёрдамида экоэстетиканинг тарихий мероси, умуминсоний тажрибалари ижодий ривожлантирилиб, унинг янги миллий анъаналари шаклланади.

Диссертациянинг «**Табиатга эмоционал-ҳиссий муносабатнинг экоэстетик масалалари**» деб номланган учинчи бобида, экологиянинг гедонистик мазмуни ва унинг табиатни муҳофаза қилишдаги роли, эвдомонизмнинг экологик функциясини ривожлантириш йўллари, усуллари ва воситалари тизими, экологик туризмнинг табиатда маънавий-эстетик муносабатни ривожлантириш имкониятлари очиб берилган

Ҳозирги глобаллашув шароитида дунё халқларининг миллий ўзлигини англаши, ижтимоий-ментал идентификациялашув жараёни кучайиши, халқаро ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар глобаллашуви, дунё жамияти урбанизациялашув кўлами, табиат экоэстетик кадриятларини, атроф-муҳит муҳофазасининг асосий субъектив омилига айлантормоқда. Зеро, экологик вазиятнинг глобал кескинлашуви ва соҳалари аниқлашуви экология фанини тармоқланишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, экологияда рационализм ва иррационализм йўналишларини кучайтирди. Яъни ўтган аср бошларидаёқ, экологик тадқиқотлар таркибида назарий масалаларнинг устуворлашувига кўра, бу даврни замонавий экологик тадқиқотлар тараққиётининг ўзига хос тарихий босқичи деб баҳолаш мумкин. Бугун жадал урбанизациялашаётган дунёда, постиндустриал-ахборотлашган жамиятда инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ривожланиш даражаларини белгилайдиган мезонлар тизимида, бокира табиат гўзаллигини билишга қизиқиш ва санъат асарларида ифодалаш, яъни уларга нисбатан *гедонистик* (юнон тилида – *hedonic* – лаззатланиш, завқланиш, кўнгилахушлик, хузурланиш) эҳтиёжларини қондириш масалалари устуворлашиб бормоқда.

Тадқиқотда инсониятнинг яшаш муҳити, хусусан, табиий шарт-шароитлари, ареаллари турли-туманлиги, унинг алоҳида компонентларига ёки яхлитлига гедонистик муносабатни ва бадиий образларда эмоционал-ҳиссий ифодалаш усуллари хилма-хиллигига олиб келганлиги таъкидланган. Шунинг учун ҳам табиатнинг муайян мавжудлик ҳолатига мос *экологик гедонизм* ҳодисаси экоэстетика фани тадқиқот объекти ва предметига айланишига муносибдир. Чунки жамиятнинг экологик барқарор ривожланишига объектив таъсир кўрсатадиган геологик, орогидрогеографик, иқлим ва бошқа табиий омиллардан ташқари, инсон омилнинг “табиат-жамият-инсон” муносабатларига реакциясини ва уни эмоционал-ҳиссий ифодалаш усулларини ўрганиш ҳам, муҳим илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга. Экологик гедонизмни бир-биридан мустақил икки йўналишда кўриш мумкин. *Биринчиси* – тирик табиат билан бевосита мулоқотда, унинг гўзаллигидан лаззатланиб, муҳофаза қилиш бурчи ва масъулиятини англаш. *Иккинчиси* – табиатнинг бадиий санъат асарларида ифодаланган сунъий гўзаллигидан лаззатланиш ва уни келажак авлодларга мерос қилиб қолдириш мажбуриятини ҳис қилишдир. Бокира табиат каби унинг бадиий-эстетик образлари ҳам табиат ва инсон муносабатларини экологик талаб ва

тамоийиллар йўналишида таҳлил қилиш учун муҳим мавзу ҳисобланади ва уларда муайян ижобий гедонизм ғоялари илгари сурилади.

Тадқиқотда урбанизациялашган дунёнинг постиндустриал-ахборотлашган жамиятида инсоннинг ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий ривожланиш даражаларини белгилайдиган мезонлар тизимида, табиат гўзаллигини билишга қизиқиш ва санъат асарларида ифодалаш эҳтиёжлари, уларга нисбатан *эвдомонистик* (юнон тилида – eudaimonia – бахтиёрлик, хузурбахшлик, барқарорлик маъноларида ишлатилади ва шу хусусиятларига кўра гедонизм тушунчаси билан умумийлиги бўлса ҳам, хусусий фарқлари мавжуд) эҳтиёжларини қондириш имкониятлари кенгайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда, динамик ривожланиб бораётган постиндустриал-ахборотлашган жамиятда инсоннинг *бокира табиат билан мулоқот маданияти*, унинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, интеллектуал салоҳияти даражасини белгилашда асосий мезонга айланмоқда. Бошқача қилиб айтганда, жамиятни табиатга нисбатан «сунъий» ижтимоий ходиса сифатида қарасак, инсоннинг табиатни муҳофаза қилишдан иборат экологик онги ва маданияти махсус шакли – эвдомонизм бундан кейинги тарихий тараққиёт истиқболларини, цивилизация келажагини белгилаб берадиган омиллигини кўрамиз. Зеро, образли қилиб айтганда, “дунёни гўзаллик қутқаради”.

Табиатга эстетик муносабатнинг ҳозирги босқичида, *биринчидан*, “табиат-жамият-инсон” муносабатларини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмлари тизимида, инсоннинг табиий яшаш шароитлари, экологик вазияти билан боғлиқ шаклланган маънавий-маданий йўналишлар устуворлашмоқда; *иккинчидан*, ҳозирги даврда ижтимоий муносабатларнинг “цивилизациялашиш”, “маданийлашиш”, “инсонпарварлашиш”, “демократиялашиш” тенденциялари кучайиши билан, экологик эвдомонизмнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, мафкуравий муносабатлар мазмунига айланиши, қонуният мақомига эга бўлиб бормоқда; *учинчидан*, инсоният тарихида экологик маънавий маданият ролининг ошиши, унинг эвдомонистик функцияси ва аҳамиятига адекват бўлиб, инсоннинг бокира табиат билан мулоқот маданияти, унинг иқтисодий, ижтимоий-маданий, интеллектуал салоҳияти даражасини белгилашда асосий мезонга айланмоқда. Айниқса, постиндустриал жамият ривожланиши, урбанизация жараёни кучайиши билан экологик эвдомонизм объектида, унинг бокира табиатдан бегоналашуви кузатилмоқда; *тўртинчидан*, экологик эвдомонизм табиий ресурслар чегараланган шароитда биосфера экологик мувозанатини – коэволюциясини вужудга келтиришдан иборат субъектив омил ролини бажаришида, унинг инсонпарварлик моҳияти, аҳамияти ва истиқболи намоён бўлади; *бешинчидан*, экологик эвдомонизмнинг индивидуал эмоционал-ҳиссий ҳодисалиги ва инсон эҳтиёжлари, манфаатлари билан боғлиқлиги, унинг объективлигини истисно қилмайди.

Диссертацияда табиатга эстетик муносабатни шакллантиришнинг маҳаллий, миллий, худудий, минтақавий хусусиятлари, давлатларда экологик туризм объектлари мавжудлигига – экологик туризм потенциалига боғлиқ бўлиши таъкидланади. Лекин уларнинг моддий, техник, иқтисодий ривожланиш даражаси – (экотуризм инфратузилмаси, коммуникацияси), сиёсий вазияти барқарорлиги – (сайёҳлар сиёсий хавфсизлигини таъминлаш), маданияти – (сайёҳларга хизмат кўрсатиш: маркетинг, сервис сифати), халқаро туризм муносабатлардаги мавқеи – (экологик туризмнинг қонуний-ҳуқуқий асослари мавжудлиги) давлатларнинг экологик туризм потенциали имкониятларидан фойдаланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Буларнинг яхлитлиги эса, давлатларда экологик туризм маданиятини ривожлантиришнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари бирлигини таъминлашга асос бўлади. Хусусан, инсон омили, айниқса мутахассислар, олимлар фаолияти экологик туризм маданияти ривожланиши ва эстетик қадриятлари трансформациясида катта роль ўйнайди. Шу билан биргаликда: 1) маҳаллий, миллий, минтақавий ва умумпланетар миқёсларда экологик туризм объектларини паспортлаштириб, маршрут йўналишларини аниқлаш; 2) экологик туризм объектларининг муайян эстетик хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг маданий функционал аҳамиятини аниқлаштириш; 3) экологик туризм маданияти тарихининг миллий ва умуминсоний қадриятларини интеграциялашиш мақсадида давлатларда махсус экологик туризмни ривожлантириш жамоатчилиқ кенгашини ташкил этиш; 4) экологик туризм маданияти тарихини ўрганиш, миллий экологик меросни халқаро миқёсда тарғибот-ташвиқот қилиш учун ахборотлар ва мутахассислар алмашувини ташкиллаштириш; 5) экологик туризм маданиятининг илғор тажрибаларини оммавийлаштиришнинг усул ва воситаларини, трансформацияси коммуникация тизимини вужудга келтириш масалаларини ҳал қилиш кун тартибига қўйилмоқда.

Диссертациянинг «**Табиатга эстетик муносабатини ривожлантиришда экологик онг ва маданият ролини оширишнинг стратегик вазифалари, рационал усуллари ҳамда потенциал имкониятлари**» деб номланган тўртинчи бобида табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришда экологик онг ва маданият ролини оширишнинг йўналишлари, потенциал имкониятлари, усуллари ва воситаларини такомиллаштириш механизмлари, табиатга эстетик муносабатни ривожлантиришнинг устувор вазифалари, конструктив усуллари ва рационал воситалари тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда вужудга келган экологик вазиятнинг хусусиятлари ва ривожланиш тенденцияси, ижтимоий-экологик муаммоларни яхлит-тизимли ҳал қилиш зарурияти – табиатга эстетик муносабатни шакллантиришда барча маънавий-маърифий муассасалар фаолиятини марказлашган бошқариш стратегияси ва тактикасини белгилайдиган ташкилотларга эҳтиёж туғдирди. Бундай институтлар, функционал фаолиятига кўра, жамият экологик онги ва маданиятини эстетикалаштириш жараёнида табиатга эстетик муносабатни

шакллантиришни устувор вазифа сифатида кун тартибига қўйиши кўзда тутилган. Уларнинг экологик вазиятни соғломлаштиришни ташкил этишга таъсир кўрсатувчи намунавий дастурлар, таълим стандартлари, ўқув қўлланмалари, методологик тавсиялари ва бошқа хатти-ҳаракат ҳужжатларини амалга оширишда, турли институтлар фаолиятини мувофиқлаштиришга, бошқаришга йўналтирилганлиги муҳим амалий аҳамиятга эга.

Экоэстетик дунёқараш шаклланишига маънавий таъсир ўтказувчи асосий институционал тизимлар таркибида давлат – экологик дунёқарашнинг табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда ташкилий асосларини; маҳаллий ўз-ўзини бошқариш фуқаролик институтларидан, маҳалла – кундалик онг даражасидаги экоэстетик кадриятларни; меҳнат жамоалари – касб билан боғлиқ экологик онг ва маданиятни эстетик дунёқараш мазмунига айлантиришнинг ижтимоий ва иқтисодий асосларини; оила – экологик кадриятларни эстетик ифодалашда анъанавийликни; таълим-тарбия тизими экоэстетик маданиятнинг нисбатан оддий илмий тушунчалари аппаратини шакллантириши билан ўзига хос роль ўйнашини таъкидлаш жоиз.

Юқорида кўрсатилган институцияларнинг асосий функцияси кишилар ижтимоий фаолиятларида индивидуал экологик онг ва маданиятларини (даража ва шаклларида қатъий назар) ўзларига топширилган муайян роллар доирасида эстетик ифодаланишнинг амалий кўникмаларини, малакаларини шакллантиришдан иборат. Мавжуд экологик мезонлар ва тамойиллар нуқтаи назардан муайян одамлар ва жамоаларнинг табиатга нисбатан антиэкологик фаолияти, уларнинг экологик онги ва маданияти, интеллектуал салоҳияти қашшоқлиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам, айнан шу ҳолат табиатга эстетик муносабат характерини белгилайди.

Диссертацияда умуминсоний экоэстетик кадриятлар, нафақат экологик онг ва маданиятни бадий ифодаланиши билан, балки уларни ривожлантирувчи субъектив омилдир. Зеро, улар табиат ресурсларидан оқилна фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришнинг стратегик масалаларини белгилашни экоэстетик тамойиллар асосида ташкиллаштириш технологияси таркибий қисми ҳисобланади. Табиатга эстетик муносабатни ривожлантириш институционал тизим фаолиятини такомиллаштиришда, экологик онг ва маданиятнинг прагматиклашуви, замонавий инновацион технология стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тажрибасида нисбатан янги йўналиш бўлиб, мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва экологик ривожланишини эстетикалаштиришда янги босқич эканлиги таъкидланган.

Тадқиқотда табиатга эстетик муносабатни шакллантиришда, унинг эмоционал-руҳий таъсир имкониятларидан фойдаланиш “технологияси” ожизлик қилаётганлиги таъкидланган. Бошқача қилиб айтганда, экоэстетик бадий кадриятларни яртишга ҳам, уларни инсон онгига сингдириш воситалари, усулларини ривожлантиришга ҳам етарли эътибор берилмаётир.



Бунинг асосий сабабини, экоэстетик кадриятларни яратувчи ва уларни трансформация қилувчи мутахассисларга “ижтимоий буюртма”нинг диққат-эътибордан четда қолаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш соҳаси учун тайёрланаётган мутахассис кадрлар, аксарият ҳолатларда, экологик назарий билимдон мутахассислар бўлган ҳолда, унинг тарғиботи ва ташвиқотида ечимини топиш ҳанузгача ортида қолмоқда. Чунки республиканинг турли ишлаб чиқариш тармоқларига етказиб берилаётган мутахассислар, олий ўқув юртларидаги табиий-география, химия, биология, ҳамда экология профилига билвосита алоқадор бошқа факультетларда тайёрланмоқда.

Диссертацияда табиий барқарор тараққиётни таъминлашда экологик таълим-тарбия тизимида инсоннинг табиатга эстетик муносабатини шакллантириш усул-воситаларини, технологик жараённи такомиллаштириш жараённи қуйидагича тасвирланган: 1) инсоннинг табиатни, атроф-муҳитни, биосферани муҳофаза қилиш эҳтиёжи, зарурияти ҳақида тўлиқ тасаввурлари шаклланади; 2) оламга экоэстетик эҳтиёжлар, манфаатлар асосида ёндашиш, фанларни чуқур ва кенгрок ўрганишларига ёрдам беради; 3) экоэстетик кадриятлар табиат билан инсоннинг узвий боғлиқлигини бадиий образлар ёрдамида тушуниб етишларига кўмаклашади; 4) табиатга онгли, эмоционал-рухий муносабат асосида шахс моҳиятида “экологик Мени”ни шакллантиришга хизмат қилади; 5) ижтимоий фаолиятида, хусусан касби соҳасида экоэстетик кадриятларни ўзлаштиришга мойилликни рағбатлантиради.

Экоэстетик дунёқарашнинг яна бир праксиологик-гносеологик аҳамияти, унинг конструктив-рационал усул-воситаларини яратиш билан характерланади. Зеро, уларсиз экоэстетик фаолиятнинг самарадорлигига эришиш мушкул. Улар, бир томондан, шахснинг табиатга эстетик муносабатини шакллантириш жараённи тартибга солишни, тарихий-мантикий изчилликни бадиий образларда ифодалашга имконият яратади. Иккинчи томондан, экоэстетик дунёқараш инсоннинг амалий фаолиятини мақсадга мувофиқ йўналтиришга хизмат қилади. Энг муҳими, инсоннинг ижтимоий кадриятларга хос экоэстетик идеалларини амалга оширишни таъминлайди. Шундай қилиб, функционал аҳамиятига кўра, инсоннинг табиатга эстетик муносабатини экоэстетик дунёқараш (назарий-гносеологик) ва амалга ошириш усуллари-воситалари (амалий-праксиологик) йўналишларга ажратиб ўрганиш муҳим методологик аҳамиятга эга. Чунки улар билиш объекти сифатида ўзига хос ривожланиш хусусиятларига эга бўлиб, эҳтиёж – мақсад – вазифа – усул – восита – технология – инновация тизимида аниқ функцияни бажаради.

Жамият тараққиётига адекват бўлган янги усуллар, воситалар ва инновацион технологияларнинг вужудга келиши, табиатга эстетик муносабат моҳиятини ўзгартириш билан эмас, балки инсон ва табиий муҳит муносабатини мувофиқлаштириши боис устувор аҳамиятга эга. Бошқача

қилиб айтганда, ҳар қандай жамиятда кишилар экоэстетик дунёқараши ва моддий қадриятларидаги структуравий ўзгартиришларни бадиий образларда акс эттириш усул-воситаларига боғлиқлиги аксиоматик характердаги ҳақиқат сифатида эътироф этилиши тасодифий эмас. Динамик ривожланиш хусусиятига эга бўлган экологик онг ва маданиятнинг экоэстетик қадриятларни ривожлантириш имкониятларини реалликка айлантиришда консервативлик ва прогрессивлик, анъанавийлик ва замонавийлик ўртасида доимий курашни, уларнинг усул-воситалари ўртасидаги кураш сифатида қараш керак. Лекин экологик онг, маданият ва экоэстетик дунёқараши ўртасидаги фарқлар нисбийлиги ҳам, умумийликнинг абсолютлиги ҳам, уларни шакллантирувчи усул-воситалар универсаллигини истисно қилмайди. Зеро, шахс экологик онги, маданияти ва экоэстетик дунёқарашидаги тафовутлар нисбийлиги ва шартлилиги, ҳам, уларни шакллантириш усул-воситаларига муносабатнинг муқобиллиги ҳам, ижтимоий-экологик муаммолар ечимида муҳим аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

Диссертация мавзусида акс этган мазкур муаммонинг илмий тадқиқи қуйидаги назарий-методологик хулосаларга, уларни ҳаётга жорий қилишнинг амалий таклиф-тавсияларини ишлаб чиқишга олиб келди, яъни:

1. Инсоният тарихининг ҳар қандай босқичида жамият экологик онги, маданияти ривожланиш даражаси атроф-муҳитга эстетик муносабат характерида намоён бўлган. Бошқача айтганда, атроф-муҳит муҳофазасига оид ғояларни санъат воситасида авлодлар онгига сингдириш – вужудга келган маҳаллий, миллий, минтақавий ва глобал экологик тангликдан чиқишнинг муҳим субъектив омили ҳисобланган. Шунинг учун, экологик фаолиятнинг махсус шакли бўлган табиий атроф-муҳитга эстетик муносабатни – санъат асарларида бадиий ифодалаш ва оммага трансформация қилиш усул-воситаларини яратишни – ижтимоий тараққиёт хусусиятини ва даражасини белгилайдиган муҳим мезонлардан бири сифатида баҳолаш керак.

2. Қадимги археологик маълумотлар, ёзма манбаларнинг мантиқий хулосалари, амалий тажрибалар ва бошқа ашёвий далиллар жамият экологик онги, маданияти ривожланиши даражаси ва атроф-муҳитга эстетик муносабат шакллари ўртасида ўзаро диалектик алоқадорлик мавжудлигини кўрсатади. Унинг тарихий меросини ижодий ривожлантириш – ҳозирги давр санъатида экологик муаммоларни кўтариб чиқиб, оммага трансформация қилишнинг назарий-методологик асоси ҳисобланади. Яъни, табиатга эстетик муносабатни ифодаловчи санъат асарлари – экологик мазмундаги бадиий образлар (гносеологик) ва уни бадиий образларда ифодалаш (праксиология) усуллари қадимий тарихга эга бўлиб, ҳозирги босқичи, уларни ижодий ривожлантириш натижасидир.

3. Шахс экологик онги ва маданиятининг табиатга эстетик муносабатни шакллантириш самарадорлиги **бир томондан**, миллий-экологик тарихий меросга ворислик, уни бадий усуллар, воситалар ёрдамида ижодий ривожлантириш ва оммага трансформация қилиш институтлари мукамаллигига боғлиқ бўлади. **Иккинчи томондан**, ҳар қандай тарихий даврда экоэстетика инсоннинг табиатга муносабатини маънавий-ахлоқий тамойиллар, ҳуқуқий нормалари асосида баҳолаб, унга нигилистик муносабатни истисно қилади. Зеро, экологик онг ва маданият меросини ижодий ривожлантириш усул-воситаларининг қўйилган мақсадга адекватлигини таъминлаш, объектив экологик воқеликни реалистик бадий образларда акс эттириш шарти ҳисобланади.

4. Инсоннинг табиатга эстетик муносабатини санъат асарларида ифодалашда “меҳнат тақсимоти”, унинг субъектлари фаолиятни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг ижтимоий-сиёсий механизмларини, институционал тизимини шакллантирган. Ижтимоий онг шаклланининг экологиялашиш ва эстетикалашиш жараёнида дифференциациялашув ҳамда интеграциялашув тенденцияси, уларнинг табиатни муҳофаза қилишда мақомини мустаҳкамлаш имконияти сифатида қаралиши керак. Хусусан, динларнинг экологик маънавий-ахлоқий нормалари табиатга эстетик муносабатни бошқариш ва жамият экологик хавфсизлигини таъминлаш эҳтиёжидан келиб чиққан ва геоэкологик вазиятга адекват манфаатларга мос келган.

5. Экологик онг ва маданиятнинг тарихий шаклланган ментал хусусиятлари, табиатга эстетик муносабатни турли санъат жанрларида идеал образларда ифодалаш ва трансформация қилишнинг маҳаллий, миллий, географик, этнографик, эмоционал-руҳий идентификациялаштириш характерини белгилаб берган. Лекин, ҳозирги даврда экоэстетик қадриятларда миллийлик ва умуминсонийлик, анъанавийлик ва замонавийликнинг интеграциялашув ва глобаллашув жараёнларининг эволюцияси натижасидир. Зеро, экологик мазмундаги санъат асарларининг халқаро миқёсда ўзаро трансформацияси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий муносабатлар интеграцияси ва глобаллашувида муҳим роль ўйнамоқда.

6. Экологик борлиққа эстетик муносабат, уни санъат асарларида бадий тасвирлаш, моҳияти ва функциясига кўра, шахс ижтимоий-маънавий фаолиятида информация трансформациясининг махсус йўналиши бўлиб, жамият маънавий-маданий ва интеллектуал салоҳияти ривожланиш даражасини кўрсатадиган муҳим мезондир. Чунки экология ва бошқа ижтимоий онг шаклланининг табиатга эстетик муносабатни бадий қиёфаларда ифодалаши ва трансформацияси тарихий тажрибаларини ижодий умумлаштириш зарурияти ва имкониятлари табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш глобал эҳтиёжларидан келиб чиқади ва умуминсоният цивилизацияси манфаатларига мос бўлади.

7. Ўзбекистонда табиатга эстетик муносабатни шакллантириш усул-воситаларини ривожлантириш давлат экологик сиёсатида муҳим йўналиш бўлиб, келажакда барқарор экологик тараққиёт манфаатларига мос **яхлит дастурини** ишлаб чиқиш заруриятини кун тартибига қўймоқда. Бу дастурда экологик онг ва маданиятни ривожлантириш стратегик вазифалари, уларни амалга оширишнинг конкрет йўллари, рационал усуллари, конструктив воситалари, молиявий, техник, технологик, интеллектуал базасини, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари, табиатни муҳофаза қилишга мутасадди ташкилотлар, институтлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг назарий, методологик ва амалий вазифалари ўз ифодасини топиши лозим.

8. Табиатга эстетик муносабатни шакллантириш, унинг мустаҳкам интеллектуал базасини тақозо қилади, яъни экологик муаммоларни санъатда акс эттирувчи “асарлар сифати” соҳа ижодкорлари салоҳиятига боғлиқ. Бунда ўзаро боғлиқ икки муаммо ечимини топиш муҳим аҳамиятга эга: **биринчиси** – экоэстетика соҳасида фаолият кўрсатаётган ижодкорларга ижодий муҳит яратиш, меҳнати натижаларини моддий ва маънавий рағбатлантириш имкониятларини қидириб топиш; **иккинчиси** – жамият субъектларининг экоэстетик санъат асарларига эҳтиёжини қондириш ва уларни “истеъмол қилиш” маданиятини шакллантиришни мақсадга мувофиқ йўналтириш соҳасида давлатнинг бош ислохотчилик ролини, яъни унинг ташкилий асосларини яратишни тақозо қилади.

9. Экологик онг ва маданиятнинг замонавий экоэстетика ривожланишига таъсирини яхлит-тизимли ўрганиш, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида ўзига хос, илмий ёндашувларни вужудга келтирган. Бу таълимотлардаги умумийлик, **бир томондан**, инсоннинг экологик муаммолар ечимида табиатга эстетик муносабати тажрибасини бадиий образларда акс эттириш, ижтимоий онг шакллари экологиялашуви ва эстетикалашуви натижасида вужудга келишини, **иккинчи томондан**, дунёнинг экологик манзарасини санъат жанрлари орқали билишдан иборат гносеологик ҳамда амалий ўзгартириш праксиологик функциясини эътироф этишида намоён бўлади. Бу жиҳатлар бирлиги табиатга эстетик муносабат интеграциялашув, универсаллашув ва глобаллашув истиқболларини башорат қилиш (прогнозлаштириш) имкониятига эга.

10. Инсониятнинг экоэстетик қадриятлари табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилишдан иборат оламшумул муаммоларни ҳал қилиш эҳтиёжини, заруриятини англаши асосида ривожланиб келган ва уларнинг олдини олишга йўналтирилган маънавий-ахлоқий нормаларни, тамойилларни тизимини шакллантирган. Умуминсоният экологик эҳтиёжларини қондириш ва мақсадларини амалга ошириш натижалари эстетиканинг экологиялашуви ва экологиянинг эстетикалашувига мутасадди институтлар фаолиятини функционал уйғунлаштириш – жамият тараққиётининг устувор қонуниятига айланмоқда. Бу тизимда экологик онг ва маданиятнинг табиатга эстетик

муносабатни шакллантиришдаги роли, ижтимоий онг шакллари интеграциялаштирувчи имкониятида намоён бўлади.

11. Функционал аҳамиятига кўра, табиатга эстетик муносабатнинг гедонистик ва эвдомонистик жиҳатлари устуворлашиб боришини маънавий маданият ривожланиш мезони сифатида эътироф этиш керак. Уларнинг ижтимоий онг шакллари интеграциялаштирувчи роли умуминсоний характерга эга бўлиб, маҳаллий, миллий, ҳудудий даражаларда айнанлашади ва реаллашади. Зеро, бир-биридан нисбатан мустақил экологик онг ва маданият феноменларининг табиатга эстетик муносабатни ривожлантириш ва бадий ифодалаш жараёнлари ўртасидаги корреляцион боғланиш, уларнинг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллар тизимини уйғунлаштирувчи тарихий асослар кейинги давр илмий назарияси ва амалиёти учун методологик асос бўлиб хизмат қилади.

12. Умуман экологик ва бошқа ижтимоий онг шакллари, маданият соҳаларини табиатга эстетик муносабат йўналишида ривожлантириш ва натижаларини оммага трансформация қилишнинг институционал тизимини такомиллаштириш, давр талабига айланди. Хусусан, Республика экологик ижтимоий ҳаракат ва бошқа фуқаролик институтлари экоэстетик фаолиятини кучайтиришнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш лозим. Зеро, санъатда ифодаланган экологик идеал образлар муайян тарихий давр ижтимоий-экологик тажрибасини бадий умумлаштириш заруриятидан келиб чиқади ва атроф-муҳитга эстетик муносабатни оммага трансформация қилиш усуллари, воситалари, институционал тизими мукамаллигини тақозо қилади.

**Диссертацияда баён қилинган мулоҳазалардан қуйидаги назарий хулосалар, амалий таклифлар ва методологик тавсиялар келиб чиқади:**

- **биринчидан**, экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва кескинлашуви, умуман жамият маънавий ҳаётини, хусусан эстетик онгни эстетикалаштиришни устувор вазифалигини эътироф қилиб, уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ва вазифаларини белгилашни тақозо қилмоқда;

- **иккинчидан**, табиатга эстетик муносабатни шакллантиришда экологик онг ва маданиятнинг ролини оширишга мутасадди давлат ва фуқаролик институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятларини, усул-воситаларини қидириб топишда миллий қадриятлар тарихи ва дунё тажрибаларидан фойдаланиш зарур;

- **учинчидан**, шахс экологик онги, маданияти ва табиатга эстетик муносабат шаклланиши ўртасидаги диалектик алоқадорликни ўрганишга яхлит-тизимли ёндашиб, унинг назарий-методологик асосларини ривожлантиришга доир илмий тадқиқотларга эътиборни кучайтириш мақсадга мувофиқ;

- **тўртинчидан**, шахс экологик онги ва маданиятининг экоэстетик қадриятлар ривожланишига таъсири объективлиги ва универсаллиги, унинг

интеграциялаштирувчи имконияти билан боғлиқлигини эътиборга олиб, турли ижтимоий-гуманитар фанларни экологиялаштириш ва эстетикалаштириш давр талабидир;

- **бешинчидан**, табиатга эстетик муносабатни шакллантиришга мутасадди давлат ва нодавлат-нотижорат ижтимоий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, экологик таълим-тарбия тизими узлуксизлигини таъминлаш ва самарадорлигини оширишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш керак;

- **олтинчидан**, жамият экологик онги ривожланиш муаммоларини аниқлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш учун Республика ижтимоий фикр маркази томонидан махсус социологик тадқиқотлар ўтказиш, мавжуд статистик маълумотларни тўплаш, уларни қиёсий таҳлил қиладиган илмий марказ ташкил қилиш мақсадга мувофиқ;

- **еттинчидан**, ёшларнинг экологик онги ва маданияти асосида экоэстетик тафаккурини ривожлантиришда “Ёшлар иттифоқи” ташкилоти марказий вазифалари қаторига қўйилиши, унинг Ўзбекистонда экологик ижтимоий ҳаракат фаолияти билан ҳамкорлиги имкониятларини қидириб топиш муҳим аҳамиятга эга;

- **саккизинчидан**, шахс экологик онги ва маданияти табиатга эстетик муносабатини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, бадиий адабиёт, санъат масканлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар фаоллигини ошириш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг имкониятларини қидириб топиш лозим.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.27.06.2017.F.0202  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АЙМАТОВ АМИНЖОН КУДРАТОВИЧ**

**РОЛЬ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОЗНАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ  
ЭСТЕТИЧЕСКОГО ОТНОШЕНИЯ ЛИЧНОСТИ К ПРИРОДЕ**

**09.00.02 – Философия сознания, культуры и форм практики (Эстетика)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФСКИХ НАУК (DSc)**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философских наук (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2018.1.DSc/Fal39.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице [samdu.uz](http://samdu.uz), а также по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Гайбуллаев Отабек Мухаммадиевич</b> доктор философских наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Мамашакиров Саид</b> доктор философских наук, профессор <b>Хусейнова Абира Амановна</b> доктор философских наук, профессор <b>Сафарова Нигора Олимовна</b> доктор философских наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Каршинский государственный университет</b>

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета № DSc.27.06.2017.F.0902 по присуждению ученых степеней доктора наук по философии (DSc) и доктора философии (PhD) при Самаркандском государственном университете в \_\_\_ часов «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетская бульвар, 15. Тел.: (8366) 235-19-38; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, конференц-зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного университета (зарегистрирована под №32). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.  
(Протокол № \_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г.)

**Б.О.Тураев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор

**А.Р.Самадов**

Ученый секретарь научного совета, по присуждению ученых степеней, к.ф.н., доцент

**К.Н.Назаров**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Углубление антропогенного воздействия человека на природу и развитие общества на основе науки и инновационных технологий формируют в мире экологическое отношение к природе. Формирование экоэстетики в отношении окружающей среды, рост инфраструктуры экотуризма и расширение спектра услуг свидетельствует о новом подходе человека к природе. Тем более, для ликвидации признанных Организацией Объединенных Наций глобальных проблем, формирование эвдонистического отношения к природе народами мира должны предпринять активные действия для сотрудничества вне зависимости от их этно-демографического состава и конфессиональной принадлежности, политического строя и уровня экономического развития, идеологического мировоззрения и природно-географического расположения.

В системе философских исследований мира изучение вопросов экологии, эстетического отношения к природе и глобального социально-экономического развития стали актуальной проблемой. В частности, актуальное значение имеет исследование вопросов корреляционной и интеграционной связей между эстетическим отношением к природе и экологическим сознанием и культурой общества, развития экоэстетического общения человека и природы, оптимизации интересов и потребностей. Деятельность, направленная на сохранение благоприятного экологического состояния окружающей среды, равновесия биосферы, охраны комплексов природных ландшафтов и отдельных объектов, формирует в экологическом сознании личности утилитарные эстетические ценности, развивает экоэстетическое отношение к природе, ставит задачу создания не наносящих ущерб окружающей среде социально-экономических комплексов.

Нашей страной заключено одиннадцать международных конвенций, соглашений и в их рамках семь многосторонних международных договоров в целях охраны окружающей среды, формирования экоэстетического отношения человека к природе. Сформирована институциональная система координации, управления и контроля экоэстетического отношения человека и «мы должны серьезно рассмотреть вопрос повышения экологической культуры населения»<sup>1</sup>. Исходя из этой необходимости актуальным вопросом становится развитие экоэстетических нрав в структуре экологической культуры, приведены в соответствие ее научно-педагогические условия, согласование объективных и субъективных факторов, определение вопросов интеграции с социальной местом и историческим временем экокультурного развития, а также эволюция социальных и культурных аспектов экологической культуры.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнению задач, намеченных в Законах Республики Узбекистан «Об

---

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б-570.

охране и использовании растительного мира” (2016), “Об охране и использовании животного мира” (2016), в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-5024 “О совершенствовании системы государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды” (2017), ПП-2916 “О мерах по кардинальному совершенствованию и развитию системы обращения с отходами на 2017-2021 годы” (2017), УП-5018 “Об образовании государственной инспекции по контролю за использованием питьевой воды при Кабинете Министров Республики Узбекистан” (2017), ПП-2954 “О мерах по упорядочению контроля и учета рационального использования запасов подземных вод на 2017-2021 годы» (2017) и других нормативно-правовых актах, относящихся к теме.

**Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.**

Научные исследования взаимоотношений экологического сознания и культуры, развития эстетического отношения к природе при формировании экоэстетического отношения человека к природе осуществляются в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, таких как Institute of Humanities and Social Sciences (Польша), University of Plymouth UK (Великобритания), National Institute Health (США), National Chiayi University (Тайвань), Saint Petersburg State University (Россия), Национальный университет Узбекистана, Самаркандский государственный университет (Узбекистан).

В мире в результате исследований по развитию эстетического отношения к природе, экологическому сознанию и культуре, экологическим потребностям человека и развитию туризма получен целый ряд результатов, в том числе: обосновано, что органическое соответствие экологического сознания и культуры личности развивает природный туризм (Institute of Humanities and Social Sciences, Польша); раскрыто взаимное влияние экологии и искусства, экологии и технологий в результате глобализации экологических проблем (University of Plymouth UK, Великобритания); обосновано, что развитие эстетического отношения человека к природе влияет на качество здорового образа жизни (National Institute Health, США); показано место знаний о природе, духовных ценностей и национальных культур в формировании экологического сознания личности (National Chiayi University (Тайвань); обосновано влияние психологических, политических факторов, педагогических основ, аксиологических аспектов формирования экологического сознания личности на развитие экологической культуры (Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Россия); исследовано социально-политические, правовые аспекты экоэстетического отношения личности к

природе в результате глобализации экологических проблем (Национальный университет Узбекистана, Самаркандский государственный университет, Узбекистан).

В мире проводится целый ряд приоритетных научных исследований по повышению уровня развития экологической культуры человека; обеспечение приоритета художественных произведений и художественной культуры в формировании эстетического отношения личности к природе; пропаганда и развитие здорового образа жизни и природного туризма путем формирования у человека экоэстетического отношения к природе; разработка системы методов и направлений выражения эстетического отношения к природе, экоэстетических ценностей, созданных в разные исторические периоды; обеспечить устойчивость экоэстетического отношения человека через институциональные изменения по защите окружающей среды.

**Степень изученности проблемы.** В научной литературе, за последние годы, выдвигаются различные взгляды о возможности интегрирования экологического сознания и культуры общества в формы общественного сознания. Между тем, при подробном рассмотрении становится очевидным, что уже на начальных этапах истории человечества произведения искусства, выражавшие гармонию природы, определяли эстетическое отношение экологического сознания к природе. А именно, в произведениях искусства экологическое сознание выражено в «материализованной» и различных других формах. Рисунки, изображения, начертанные на стенах пещеры еще до появления письменности, уже отражали сознательное (несмотря на их примитивность и простоту), экологическое отношение человека к природе. Появившиеся в дальнейшем такие образцы устного народного творчества, как мифы, легенды, предания, рассказы, притчи, поговорки, эпосы и другие произведения искусства следует рассматривать в качестве методов, форм выражения эстетического восприятия природы экологическим сознанием личности.

С появлением письменности, являющейся информационным средством, начался новый исторический этап экологически сознательной деятельности человека, трансформации его эстетического отношения к природе. В частности, экологическая деятельность человека и ее художественное выражение в “Авесте”, ”Каюмарс”, Орхоно-Енисейских рунах (“Ирк битиги”), сезонных песнопениях и пейзажной лирике «Деван лугат ат-турк» Махмуда Кашгари, в лирической «Гимна весне» из “Кутадгу билиг” Юсуфа Хос Хаджиба, поэмах “Киссаи Рабгузий”, “Олтин ёрук” Н.Б.Рабгузи, а также легендах древних египтян о “Воскресшем божестве”, гимне, посвященном “Священному Нилу”, «Эпосе о Гильгамеше», мифах о “Таммуз и Иштар” древних месопотомцев, древнеиндийских притчах и «Ведах», древнекитайских мифах и легендах, в поэме Гесиода «Труды и дни»,

“Баснях Эзопа” и других, можно оценивать в качестве формы эстетического отношения к природе<sup>1</sup>.

